


Каъбапўш тепага кўтарилди



13:00 / 05.07.2021 1456

Икки муқаддас масжид бош бошқармасининг 40 нафар мутахассисидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари ҳажга тайёргарлик жараёнида кисва (Каъбапўш)нинг пастки қисмини уч метрга кўтаришда ва очиқ жойни сурп билан қоплашда қатнашди, дея хабар беради SPA агентлиги. “Кисванинг пастки қисми ҳар йили тепага кўтарилади. Бу ишни амалга ошириш учун уч соат вақт сарфладик”, дейди Икки муқаддас масжид масъул ходими Абдуллоҳ Ҳамид Маликий. Эслатиб ўтамиз, Каъбатуллоҳ соф ипак матодан, Қуръони карим оятлари туширилган кисва билан қопланган.



